

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2013 йил 22 февраль • № 8 (925)

Ҳамкорлик ришталари

ДАРДНИ БИРГАЛИКДА ЕНГИБ ЎТАМИЗ



Пойтахтимиз мезбонлик қилган навбатдаги халқаро анжуман ушбу шиорга ҳамоҳанг тарзда кечди. Фонд Форум ташаббуси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган халқаро даражадаги мулоқот дунёда кейинги пайтда кўпайиб бораётган кўкрак беши саратони касаллигига жаҳон ҳамжамияти эътиборини янада кучайтиришга бағишланди.

Маълумотларга қараганда, ҳар йили бир миллиондан ортиқ аёл ушбу касаллик аломатлари билан рўйхатга олинади. International Prevention Research Institute ташкилотининг саратон

(Давоми 3-бетда).

Миллий матбуот маркази рейтинг:

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ – БИРИНЧИ!

Маълумотларга қараганда, вазирликлар, қўмита ва бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлар ташаббуси билан Миллий матбуот марказида ўтказилаётган матбуот анжуманларида 100 га яқин маҳаллий ҳамда хорижий (34 та) оммавий ахборот воситалари вакиллари фаол иштирок этиб келмоқда.

Аҳамиятли томони шундаки, МММда уюштирилаётган мулоқотларда иштирок этишга интилаётган ташкилот ва муассасалар, шунингдек, улар томонидан ўтказилаётган анжуманлар сони ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2009 йилда мазкур маскан 29 та тадбирга мезбонлик қилган бўлса, 2010 йилда 45 та, 2011 йилда эса 85 та матбуот анжумани бўлиб ўтди. 2012 йилда эса бу кўрсаткич аввалги йилга нисбатан қарийб 2,5 баробарга ўсиб, 206 тани ташкил қилди.

Барча ҳамкор ташкилотлар матбуот анжуманларини юқори савияда ташкиллаштириш, жумладан, журналистлар эътиборига соҳа фаолиятини акс эттирувчи кўргазмалар ва видеофильмларни ҳавола қилишга, шунингдек, ОАВ ходимларини турли маълумотлар билан таъминлашга ҳаракат қилади, – дейди марказ раҳбари Шавқиддин Фаниев. – Намунали матбуот анжумани ташкилотчилари ҳақида гап кетар экан, 2012 йил давомида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан 19 та тадбир ўтгани, бундан ташқари, бу борада Марказий банк (11 та анжуман), Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси (9 та), Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгаши (7 та), Табиатни муҳофаза қилиш (6 та) ҳамда Давлат божхона (5 та) қўмиталари, шунингдек, “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК каби давлат бошқаруви органлари бошқа идораларга нисбатан фаоллик кўрсатганларини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Шу ўринда Миллий матбуот маркази ўз олдида 2013 йилдан бошлаб ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда нафақат республика миқёсида амалга оширилаётган ислохотларни, балки мамлакатимизнинг чекка туманларида рўй бераётган ўзгаришлар, эришилган натижа ва истиқболли вазифаларга оид маълумотлар бериб боришни ҳам режалаштираётганини айтиб ўтиш лозим.

Шухрат ХҲЖАЕВ.

Семинар

ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР ВА ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР

Мамлакатимизда ислохотлар изчил кечаётганлигига ҳар бир соҳада фаолият самарадорлиги ошиб бораётганлиги ёрқин далил бўла олади. Шу ўринда айтиш жоизки, Президентимизнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида қўлга киритилган муваффақиятлар хусусида эътирофли фикрлар билдирилганлиги барчамизга фахр бағишлади. Юртбошимизнинг соғлиқни сақлаш тизимидаги амалий фаолиятларга берган баҳолари ҳам бундан мустасно эмас.

Дарҳақиқат, бугунги кунда қайси бир тиббиёт муассасасида бўлмайдик, Инвестиция дастури бўйича бунёд этилаётган ва реконструкция қилинаётган шифо масканларининг замонавийлигини кўриб, давлатимизнинг аҳоли саломатлигига бўлган эътибор ва ғамхўрлигини англаш қийин эмас. Ушбу муассасалар давр талабидаги янги русумдаги аппаратуралар, тиббий асбоб-ускуналар ҳамда малакали кадрлар билан таъминланганлиги тизимдаги ютуқли натижалар самарасидир.

Жумладан, Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимида ҳам муайян ишлар олиб борилиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати янада ошиб бормоқда. Айниқса бирламчи тиббий санитария, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, эпидемиологик барқарорлик, соғлом турмуш тарзи ва бир қанча йўналишдаги фаолият изчиллиги боис аҳоли орасида касалликлар олди олиниб, хасталиклар кўрсаткичи камайиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда).



Семинар

ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР ВА
ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР

Амалий ишлар натижалари-ни сарҳисоб қилиш мақсадида жорий йилнинг 16 февраль кунин Бухоро вилоятининг "Кўхна ва Боқий Бухоро" мажмуаси тасарруфидоги мусиқали ва драма театри биносида "Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган ишлар: ютуқлар, муаммолар ва истиқболдаги режалар" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Ушбу тадбир давлатимиз раҳбарининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган ҳукумат мажлисидаги маърузаси ҳамда 2013 йил 15 январда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири бошчилигида ўтказилган селектор йиғилишидаги топшириқлар ижроси доирасида ташкил этилди.

Семинарда 342 та қишлоқ врачлик пунктлари мудирлари, шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари, кўп тармоқли марказий поликлиника бош врачлари, даволаш-профилактика муассасалари раҳбарлари, бўлим мудирлари қатнашди.

Тадбирни Бухоро вилояти ҳокими Муҳиддин Эсанов кириш сўзи билан очиб, соғлиқни сақлаш тизимига Юртбошимиз томонидан берилган эътибор туфайли аҳоли саломатлиги мустақамлаётганлиги ва турмуш фаровонлиги ошиб бораётганлигини таъкидлаб ўтди. Вилоятда ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатлар изчил. Муҳими аҳолининг соғлиги ва тиббиётга бўлган ишончи ортиб бормоқда. Бундай натижаларнинг асосий мезонини Президентимизнинг соҳага оид чиқараётган фармон ва қарорлари мазмун ва моҳияти ташкил этмоқда. Қайд этилганидек, семинар ҳам вилоят соғлиқни сақлаш тизимидаги қўлга киритилган ютуқлар, қолаверса, келгусидаги вазифаларга қаратилган бўлиб, бундан пиروвардида кўзланган мақсад ҳар бир тиббиёт ходими аҳоли саломатлигини мустақамлашда бир жону бир тан бўлиб ишлашига эришишдир.

Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Асилбек Худаяров тизимда олиб борилаётган ишларга ургу бериб, соҳада эришилаётган ютуқларда кўп сонли тиббиёт ходимларининг астойдил меҳнати борлигини алоҳида таъкидлади. Ислохотлар жараёнида ўз ифодасини топиб келаётган туб ўзгаришлар, янгилик ва излашлар боис Ўзбекистон тиббиёти жаҳон ҳамжамиятидан ўрин олаётганлиги хусусида ҳам фикрлар билдирилди. Айниқса оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, бирламчи бўғин, кад-

(Давоми. Боши 1-бетда).

рлар масаласи, эпидемиологик вазият барқарорлиги бўйича эришилган ижобий ишлар слайдларда яққол ифода топди.

Тадбирда ютуқлар билан бир қаторда ечимини кутаётган муаммолар хусусида ҳам сўз юритилди. Таъкидланганидек, бу борада соҳа мутахассислари ўз вазифаларини сидқидилдан бажариши лозимлиги даврнинг асосий талабига айланиб бормоқда.

Кун тартибидан ўрин олган соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар юзасидан Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиги Икром Амонов ахборот бериб ўтди.

Бухоро вилояти соғлиқни сақ-

кам вазни болалар фоизи ва туғруқ ёшидаги аёллар ўртасида камқонлик йилдан-йилга камайиб бормоқда. Болалар тўлиқ эмланиши натижасида шол, бўғма, қизамиқ каби касалликлар кескин камайиб, кейинги йилларда қайд этилмаган. Вилоят бўйича 342 та қишлоқ врачлик пунктлари орқали аҳолига, асосан ҳомиладор аёлларга антенатал парвариш, болаларга эса малакали тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда. 2012 йилнинг июнь ойидан бошлаб вертикал мониторинг тизими йўлга қўйилди. ҚВПларда фаолият кўрсатаётган умумий амалиёт шифокорлари билим савиясини янада ошириш мақсади-



лаш бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Жамшид Тоҳиров Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 июндаги "2008-2012 йилларга мўлжалланган "Болалиқдан ногиронликнинг олдини олиш борасида туғма ва ирсий касалликларни эрта аниқлаш Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ишларга тўхталди. Жумладан, вилоят скрининг маркази томонидан 2012 йилда 10,2 мингга яқин наслий ва туғма касалликларга чалиниш хавфи гуруҳга киритилган ҳомиладорларда тиббий-генетик текширув олиб борилган. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги "Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустақамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан ўтган йил давомида шаҳар ва туманларда истиқомат қилувчи 16,2 мингдан зиёд ҳомиладорлар турли дармондорилар билан бепул таъминланган, 480 мингга яқин туғиш ёшидаги аёл тўғрисида электрон маълумот банки яратилган. Аҳоли ўртасида тўғри овқатланиш ҳамда микронутриент етишмаслиги ҳолатларининг олдини олиш бўйича олиб борилган тадбирлар натижасида

да 12 та йўналиш (акушерлик, эндокринология, психиатрия, кардиология ва ҳоказо) бўйича вилоят мутахассислари томонидан ҳар ойнинг биринчи ҳафта-сида ўқув-машғулоти ташкил этилади. Бундан ташқари, ҚВП мудир ва доялари, бирлашма бўлим мудирлари ва врачлар ҳам ойда бир марта учрашиб, соҳадаги энг долзарб йўналишлар хусусида фикр алмашишди. "Мустақам оила йили" Давлат дастури доирасида 2012 йилнинг 14 апрель ҳамда 11 август кунлари Бухоро шаҳридаги Самонийлар истироҳат боғида "Саломатлик кунин", Қоракўл, Ромитан ва Вобкент туманларида "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" шиори остида республиканинг малакали тиббиёт ходимлари томонидан тўққиз мингдан зиёд фуқаро тиббий кўрикдан ўтказилганлиги, 2012 йилда ҳукуматимиз томонидан Инвестиция дастури асосида 12,9 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилиб, 5 та қишлоқ врачлик пункти, 5 та туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси, 100 ўринга мўлжалланган даволаш биноси ва тез тиббий ёрдам шохобчаси қурилди. Бундан ташқари, ҳисобот даврида Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва вилоят перинатал маркази бинолари янгидан қурилиб, ишга ту-



ширилган.

Семинар давомида Президентимизнинг 1096 ҳамда 1144-сонли қарорлари, шунингдек одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган қарор ижроси, қишлоқ врачлик пунктлари томонидан аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш аҳоли, намунавий ҚВПларга қўйилган талаблар, вилоят ДПМ бўлим мудирларининг вазифа ва мажбуриятлари юзасидан тегшли йўналиш мутахассисларининг ахборотлари тингланди. Бу борада мутасадди раҳбарлар самарали натижалар хусусида тўхталар экан, тизимда учраётган камчиликларга ҳам эътибор қаратиб ўтишди.

Анжуман видеомулоқот тарзида олиб борилганлиги иштирокчилар учун бирламчи тизимда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматнинг аҳамиятли томонларини очиб берди десак, муболаға бўлмайди. Вилоятнинг Бухоро туманидаги "Энг намунали ҚВП" республика кўриктанловида иккинчи ўринни олган «Шергирон» қишлоқ врачлик пункти фаолияти билан онлайн тарзида танишув имконияти соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг ёрқин дебюти эканлигини намойён этди. Беvosита мулоқотга кирган қишлоқ врачлик пункти мудираси Шаҳодат Сафоева кўрсатилаётган тиббий хизмат, яратилган барча қулайликлар, замонавий асбоб-ускуналар мавжудлигидан аҳоли миннатдор бўлаётганлигини алоҳида таъкидлади. Шунинг ҳам айтиш жоизки, ушбу муассаса қамровида истиқомат қилаётган фуқаролардан бири видеомулоқотда қатнашиш истагини билдириб, ўз фикрларини ҳам баён этди:

Семинарда Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган ютуқли ишлар сарҳисоб қилиниши баробарида, таъкидланганидек, ечимини кутаётган муаммолар ҳам ўртага ташланиб, таклиф ва тавсиялар киритилди. Тадбирда истиқболдаги режалар ҳам белгилаб олинди.

Ибодат СОАТОВА.

Хурматли муштарийлар!

Сизга маълумки, расмий веб-сайтими (www.uzssgzt.uz) фаолият бошлагандан буён доимий равишда газетадаги мақолаларни интернет саҳифаларида эълон қилиб келмоқдамиз. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча буйруқ ва меърий ҳужжатлар матнини «Расмий ҳужжатлар» бўлиминдан топиш имкониятига эгасиз. Ҳуддан ташқари, сизда таҳририят билан яқин ҳамкорлик қилиш истаги бўлса, info@uzssgzt.uz, uzss@yandex.ru манзилига хатлар йўллашингиз мумкин.

Хурматли муштарийлар!

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2013 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда.

Азиз тиббиёт ходимлари ва муштарийлар! Республика тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар, фаолиятлар ҳамда янгиликлардан хабардор бўлишни истасангиз семимли газетангизга обуна бўлишни унутманг! Нашр индекси: 128.

Хамкорлик ришталари

ДАРДНИ БИРГАЛИКДА ЕНГИБ ЎТАМИЗ

касаллиги бўйича ҳисоботида кўра, 2013 йилда кўрак беши саратони билан касалланган 1,6 миллион аёл аниқланиши мумкин (қиёслаш учун 1980 йилда ушбу кўрсаткич 641 мингга ташкил этган). Онкологик касалликлар тадқиқотлари халқаро агентлигининг 2008 йилдаги маълумотлари бўйича эса 2018 йилда шу касалликка чалинган аёлларнинг умумий сони 17,5 миллиондан ортади.

Шубҳасиз, кўплаб мамлакатларда ушбу касалликка қарши амалий, илмий-назарий ишлар йўлга қўйилган. Бироқ ушбу рақамлар ортида инсон ҳаёти, авлодлар алмашуви, жамият барқарорлиги масаласи турар экан, саъй-ҳаракатлар сарҳадларини бирлаштириш ва кенгайтириш, бутунжаҳон даражасида муло-

саломатик масалаларига бағишланган халқаро анжуманлар уюштирилиши алоҳида ўрин тутди. "Ҳаёт учун!" миллий уюшмаси томонидан мунтазам ўтказиб келинаётган хайрия акцияси бугунги кунда аҳоли орасида саратон касаллигига бўлган эътибор кучайганини, демакки, ушбу дарднинг олдини олиш, уни енгишда энг асосийси меҳр улашиш муҳимлигини намойиш этмоқда.

Фонд Форум тизимидаги ташкилот ҳамжиҳатлигида ташкил этилган мутахассислар ва жамоатчилик иштирокидаги галдаги анжуман мулоқотлар жараёнини кенгайтириб, тажриба алмашиш, билан орттиришга замин яратди. Семинар халқаро ҳамкорлик ришталари кенгайиб бораётган йирик илмий марказ негизидан ўз ишини бошлаганида ҳам рамзий маъно

лар майдони вазифасини ўтади, деган хулосалар қайта-қайта тақдорланганининг гувоҳи бўлди.

Владимир ЗЕЛЬМАН, профессор, Жанубий Калифорния университети қошидаги Кек тиббиёт мактаби анестезиология факультети раиси:

– Авваламбор шуни таъкидламоқчиманки, мен буюк аллома, бутунжаҳон амалиётида кашфиётлари ҳануз асос бўлиб, кенг қўлланиб келинаётган Авиценнанинг ватанига яна бир бор ташриф буюрганимдан фахрланаман.

Ўзбекистонда кўп бўлганман. Тиббиёт соҳаси сизда изчил ривожланиб бораётганидан ҳам яхши хабардорман, чунки ўзбекистонлик ҳамкасблар билан ҳамкорликда амалий ишлар қилганмиз ва бир-биримизнинг имкониятларимизни синаб кўрганмиз. Ўйлайманки, бу сафар ҳам самарали кечган тажриба алмашувлари келгусида ҳамкорлигимиз қирралари янада кенгайишига хизмат қилади.

Шуни ҳам эътироф этмоқ лозимки, кўрак беши саратони хусусида кенг жамоатчилик хабардор бўлишида айнан жамоат ташкилотларининг саъй-ҳаракатлари чамбарчас эканлиги мени хайратга солди. Демак, шу қиррада ҳам биргаликдаги ишларимизни кучайтиришимиз лозим деб ҳисоблайман.

Стефан СЕНЕР, Жанубий Калифорния университети қошидаги

Кек тиббиёт мактаби кўрак беши жарроҳлиги кафедраси профессори:

– Ҳамкорлигимиз ўтган йили август ойидан бошланди. Кек университети ташриф буюрган "Ҳаёт учун!" миллий уюшмаси вакиллари бу ҳақдаги таклифни билдиришганди. Ушунда мулоқот айнан кўрак беши саратони, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш масалалари хусусида кечганди. Бир-биримизни тушунганимиз боис Фонд Форум каби йирик жамоат ташкилоти билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатишга қарор қилдик.

Семинар давомида муҳокама қилинган масалаларга келсак, назаримда, кун тартибидан кенг ўрин олган маълумот ва ахборотлар, амалий машғулотлар нафақат кўрак беши саратони, балки бошқа касалликлар бўйича ҳам тадқиқотлар юритишимизда албатта ас қотади.

Кристи РАССЕЛ, Жанубий Калифорния университети қошидаги Кек тиббиёт мактаби клиник онкология кафедраси доценти:

– Менинг мутахассислигим кўрак беши саратони билан касалланган аёлларни жарроҳлик муолажаларидан сўнг даволашга қаратилган. Ачинарлиси, бутун дунёда ушбу касаллик кенг тарқалган. Ўзбекистонда бўлиб, ўзимга кўп нарсаларни кашф этдим ва албатта биринчи галда тажриба бобида. Ўз гоёларим билан ўртоқлашар эканман, ўзбекистонлик ҳамкасбларимизнинг ҳам келгуси фаолиятимизда кўллашимиз учун қизиқарли мулоҳазаларидан таъсирландим. Ҳақиқатан ҳам, скрининг масаласи бугунги кунда долзарб бўлмоқда. Бу борада мамлакатингизда махсус тизим яратилгани таъсинга лойиқ.

Фурсатдан фойдаланиб, Республика онкология илмий маркази клиникасида суҳбатда бўлган барча аёлларга шифо тилайман. Дардни енгишда ғамхўрлик, ҳамжиҳатлик муҳим ўрин тутди. Бу борада ўзбек аъёнлари ҳам ҳар қадамда намоён бўлаётгани мени

хайратлантирди.

Гельмут БАБЛЕР, "SonoSite, Inc" компаниясининг Европадаги ваколатхонаси директори:

– Ўзбекистонда ўн бешинчи марта бўлишим. Ҳар сафар таассуротларим ортиб бораверади. Ўзгаришлар яққол кўзга ташланади. Нафақат мегаполиси, балки чекка-чекка қишлоқларда ҳам ҳаёт бутунлай замонавийлашган. Жойларда ташкил этилган бирламчи бўғин хизматлари юксак даражада жиҳозлангани, малакали кадрлар билан таъминлангани юртингизда ислохотлар айнан инсонга хизмат қилаётганидан далолатдир.

Фонд Форум билан ҳамкорлигимиз доирасида "Ҳаёт учун!" акциясини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрмиз. Зеро

ган йирик онкология муассасалари ҳар бир вилоятда фаолият юритмоқда, туман ва шаҳарларда ҳам поликлиникалар негизидан шу йўналишда хизматлар очилган. Ҳар йили давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар биринчи навбатда муассасалар моддий-техник негизини тақомиллаштиришга, ташҳис ва даволаш ускуналарини модернизация қилишга йўналтирилмоқда. Бунинг натижасида хизмат кўрсатиш сифатини халқаро андозаларга мувофиқлаштиришга эришилаётир.

Мутахассис кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш учун барча шароитлар, имкониятлар кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Эътиборлиси, бугунги кунда онкология йўналишига кириб келаётган



қотлар самарасини янада ошириш лозимлигини юзага келган вазият тақозо этмоқда. Мамлакатимизда ташкил этилган "Алоҳида шахсга қаратилган тиббиёт ҳолати ҳамда аёлларда кўрак беши саратони скрининги ва профилактикасининг замонавий услублари" мавзусидаги халқаро анжуманининг долзарблиги ҳам шундадир.

Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Асилбек Худаяров бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган кўлами кенг чора-тадбирларга урғу берар экан, кейинги йигирма йил давомида давлат сиёсати микёсида инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган дастурий вазифалар белгилаиб, изчил татбиқ этилиши натижасида ижобий кўрсаткичларга эришилаётганлигини қайд этди. Таъкидланганидек, бугунги кунда ушбу йўналишдаги ютуқлар дунё ҳамжамиятида "Ўзбек модели" сифатида эътироф этилиб, БМТ томонидан энг яхши минтақавий дастур сифатида кўплаб мамлакатларда қўлланилиши учун тавсия этилгани юртимизда соғлиқни сақлаш тизимида ўзига хос тажриба орттирилганидан далолат беради.

– Дарҳақиқат, шундай. Чунки, биргина "Соғлом она – соғлом бола" миллий дастури моҳиятига кўра, аҳолини жипс-лаштирувчи ва сафарбар этувчи шiorга айланиб улгургани, бу борада соҳа тизими, давлат идоралари қаторида жамоат ташкилотлари ҳам ҳисса қўшиб келаётгани эътиборга лойиқдир, – дейди **В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази директори Феруз Назиров**. – Республикаимизда турли касалликларнинг олдини олишга қаратилган профилактика ишлари муҳим аҳамият касб этмоқда, ушбу йўналишда аниқса Фонд Форум томонидан репродуктив

(Давоми. Боши 1-бетда).



кўрак беши саратони касаллиги дунёни ташвишга солаётган долзарб масаладир.

Шаҳноза УМАРОВА, "Ҳаёт учун!" кўрак беши саратони бўйича миллий уюшма директори:

– Республикаимиз бўйлаб ўтказиб келинаётган ижтимоий акция давомида бугунги кунга келиб 27 мингдан зиёд аёл малакали мутахассислардан бепул маслаҳат олиш қаторида тегишли кўриқдан ўтиш, руҳшунос билан бевосита суҳбат қилиш имкониятига эга бўлди. Ҳозирда хайрия форум-марафонини тўртинчи маротаба ўтказишга тайёргарлик ишлари бошланди. Шуни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, ушбу акцияга дунёда қизиқиш катта. Жумладан, биз билан ҳамкорлик қилиш истагида бўлган турдош ташкилотлар ҳам хайрихоҳ бўлмоқда, яъни марафон доирасини кенгайтириш таклифи киритилмоқда. Бу йилги марафон иккинчи марта Сюзан Комен номидаги халқаро жамғарма билан биргаликда уюштирилиши кутилмоқда. Кўзланган мақсад ягона – дунё ҳамжамияти нигоҳини яна бир бор кўрак беши саратони касаллигига қаратиш ҳамда ушбу дардни ҳамкорликда даволаш ва олдини олишдир.

Саримбек НАВРЎЗОВ, Республика онкология илмий маркази директори:

– Мамлакатимизда бугунги кунда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар янги босқичга кўтарилди. Ҳукуматимиз, бевосита давлатимиз раҳбари ғамхўрлигида онкология хизматини ривожлантириш масаласига ҳам катта эътибор қаратилаётир. Республика бўйича замон талабларига жавоб берадиган тарзда жиҳозлан-

ган муассасаларни тайёрлаш, малакасини ошириш учун барча шароитлар, имкониятлар кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Эътиборлиси, бугунги кунда онкология йўналишига кириб келаётган

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА, Анвар САМАТХОДЖАЕВ олган суратлар.

(Материал Фонд Форум ахборот хизмати ҳамкорлигида тайёрланди).

Вилоятдаги мухбирларимиз хабар қилади

Наманган вилояти

ЗАМОНАВИЙ ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТЛАРИ

аҳли саломатлигини назорат қилиб бориш бу ердаги беш нафар олий тоифали шифокор ва йигирма ҳамширанинг доимий эътиборида. Тиббиёт мутахассислари маҳаллалар ва таълим муассасаларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш бўйича тарғибот тадбирларини мунтазам ўтказиб келмоқдалар. ҚВПдаги умумий амалиёт, кундузги шифохона, физиотерапия, лаборатория, аёллар кўриги,



Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган изчил ва кенг кўламли ишлар самарасида бугун қишлоқда ҳам шаҳардаги тиббиёт масканларидан қолишмайдиган замонавий тиббий шароитларга эга, моддий-техник негизи мустақкам бирламчи шифо масканлари фаолият кўрсатмоқда. Шулар қаторига Янгиқўрғон туманидаги "Исковот" қишлоқ врачлик пункти киради.

2012 йилда фойдаланишга топширилган ушбу муассаса худуддаги ўн мингга яқин аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатаётир. Қишлоқ



эмлаш, муолажа, стерилизация хоналари ҳамда дорихона замон талаблари даражасида фаолият юритмоқда. Замонавий тиббиёт таҳлил-ташҳис аппаратлари репродуктив ёшдаги аёллар, болалар ва ўсмирлар тиббий кўригини юқори савияда ташкил этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

"Исковот" қишлоқ врачлик пункти "Энг намунали қишлоқ врачлик пункти – 2012" республика танловида биринчи ўринни эгаллаган ва "Дамас" автомашинаси билан тақдирланган.

СУРАТЛАРДА: "Исковот" қишлоқ врачлик пункти мудири, умумий амалиёт шифокори Малика-хон Эралиева; муассаса фаолиятдан лавҳалар.

Қашқадарё вилояти**СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ**

Қарши туманидаги "Хонобод" қишлоқ врачлик пункти тубдан реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

Обод турмуш йилида янгича қиёфа касб этган ушбу ҚВП эндиликда худуддаги етти мингдан ортиқ аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имкониятга эга.

– Бизга қарашли худудда 14 ёшгача бўлган ўғил-қизлар икки мингдан зиёдни ташкил этади, – дейди шифокор-педиатр Манзура Мейлибоева. – Шифохонамиз тубдан таъмирланиб, замонавий тиббий шароитларга эга бўлгани болаларни ўз вақтида эмлаш, профилактика чора-тадбирларини изчил олиб бориш, тиббий кўрик ишларини самарали ташкил қилишда кенг қулайликлар яратмоқда.

Андижон вилояти**ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА**

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан барча туман ва шаҳарларда "Саломатлик ҳафталиги" тадбирлари ўтказилмоқда.

Аҳоли саломатлигини мустақкамлашга йўналтирилган бундай профилактика тадбирлари доирасида республика ва вилоят тиббиёт муассасаларининг малакали шифокорлари, «Она ва бола» скрининг маркази, Республика саломатлик ва тиббий статистика институти худудий бўлимлари мутахассисларидан иборат гуруҳлар жойларда бўлиб, хотин-қизлар, болалар ва ўсмирларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказмоқда.

Соғломлаштиришга қаратилган текширувлар Балиқчи туманидаги қишлоқ врачлик пунктларида ҳам юқори савияда ташкил этилди.

Ҳафталик давомида малакали мутахассислар томонидан оилаларда тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини мустақкамлаш бўйича тушунтириш ишлари ҳам олиб борилди.

Қорақалпоғистон Республикаси**КЎЛАМИ КЕНГ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР**

Оролбўйида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар самарасида тиббий муассасаларнинг моддий-техник негизи мустақкамланиб, хизмат сифати сезиларли даражада ошмоқда.

Қорақалпоғистон кўз касалликлари шифохонаси минтақадаги замонавий тиббий муассасалардан биридир. Саксон ўринга мўлжалланган шифохонада ташҳис қўйиш ва даволаш бўйича катта тажриба тўпланган. Бу ерда малакали мутахассислар қаторида ёш шифокорлар ҳам самарали фаолият юритмоқда.

Самарқанд вилояти**ИМКОНИЯТЛАР КЕНГАЙМОҚДА**

Вилоятдаги тўрт юзга яқин қишлоқ врачлик пунктида ҳам замонавий шарт-шароит ва имкониятлар яратилган ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

Ҳар йили худудий манзилли дастурлар бўйича белгиланган қишлоқ врачлик пунктларида қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилаётир. Жумладан, ўтган йили вилоят бўйича қирққа яқин қишлоқ врачлик пункти биноларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, аҳоли ва тиббиёт ходимлари учун барча зарур шароитлар яратилди.

– Туманимизнинг 310 мингдан зиёд аҳолисига ўз вақтида ва намунали тиббий хизмат кўрсатишда қишлоқ врачлик пунктларининг ўрни катта, – дейди Пастдарғом тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Баҳром Сатторов. – Айни пайтда 47 та ҚВП орқали аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатилмоқда. Соҳа фаолиятини такомиллаштириш, тиббий муассасалар моддий-техник негизи-

ни янада мустақкамлашга қаратилган эътибор туфайли ҚВПларнинг аксарияти замонавий бинога эга бўлди. Шунинг баробарида барча қишлоқ врачлик пунктлари "Саломатлик-1, 2" дастурлари асосида жиҳозланди.

Қишлоқ врачлик пунктларида фаолият кўрсатаётган врач ва ўрта тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш, улар малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда ҚВПлар нафақат тиббий хизмат кўрсатиш муассасаси, балки худудда соғ-

лом турмушни тарғиб этиш масканига ҳам айланмоқда. Бу муассасаларда йил давомида бир неча бор саломатлик кунлари ташкил этилади. Республика ва вилоятдаги етакчи тиббий марказлар мутахассислари, олий ўқув юрлари профессор-ўқитувчилари қишлоқларга бориб, аҳолини тиббий кўриқдан ўтказмоқда. Шу кунларда ҳам тумандаги қишлоқ врачлик пунктларида саломатлик ҳафталиклари давом этмоқда.

– Саломатлик ҳафталиги доирасида тиббий кўрикка "Дўрмонсой" ва "Болдир" маҳаллалари аҳолисини тўлиқ қамраб олмақчимиз, – дейди Ибн Сино номли қишлоқ врачлик пункти мудири Дилшоода Равшанова. – Жумладан, терапевт, хирург, педиатр, акушер-гинеколог, ЛОР



каби мутахассислар томонидан 200 дан зиёд кишининг саломатлиги назоратдан ўтказилди. Бундай имкониятлар, олиб борилаётган кенг кўламли тушунтириш ишлари аҳоли саломатлигини мустақкамлаш ва тиббий маданиятини оширишга хизмат қилмоқда.

ЎЗА хабарлари ва суратларидан фойдаланилди.

Болалар спорти

ЎҚУВЧИ БОЛАЛАРНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШНИНГ ТИББИЙ-БИОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

СПОРТНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ТУРЛАРИ

Болалар ва ўсмирлар (7-9 ёш) учун юрак қисқаришлари сони ва артериал босим кўрсаткичлари бўйича спорт машғулотида жисмоний ривожланишга баҳо беришдаги функционал синамалар ва кўрсатмалар

2.8-жадвал

Функционал синамалар	Пульс соҳибашиг максимал ўсиши		Пульс соҳибашиг тикланиш вақти	Максимал арт. босим АБ ўсиш бориши, смм.		АБ тикланиш вақти (сек.)	Минимал АБ ўсиш бориши, смм. уст ҳисобида мм.		АБ тикланиш вақти (сек.)
	Тикланиш даври. 1-дақ. да 30 сек. ичида	Тикланиш даври. 2-дақ. да 30 сек. ичида		Тикланиш даври 1 дақ. да	Тикланиш даври 2 дақ. да		Тикланиш даври 1 дақ. да	Тикланиш даври 2 дақ. да	
10 сек. ичида қўл кафтга таралиб олддан 10 марта кўтарилади	7-9	3-4	2-3	10-15	5-10	3	-10-+10	-5-+5	3
Ўта тез сурулатда 10 сек. югуриш	10-13	4-5	2-3	10-15	10-15	3	-10+0	-5-+5	3
1-1,5 дақиқада 180 қадам югуриш	9-12	4-5	2-3	15-20	8-20	5	-15-+15	-10-+10	5

Эслатма: боланинг кафтга таяниб полдан кўтарилиши ва югуришигача ЮҚС ва АБ дастлабки кўрсаткич ҳисобланади, масалан, 7 ёшдаги болада нормада ЮҚС дақиқада 80 марта агар, 10 сек. ичида кафтга таралиб полдан 10 марта кўтарилишидан кейин ЮҚС 1 дақиқа-

да 80+9=89 марта уришни, 2 дақиқада 80+4=84 мартани ташкил қилса, 3 дақиқанинг охирида дастлабки даражани, яъни 80 марта уришни ташкил қилади; АБ нормада 94/62 мм/смм. устуни ҳисобида, полдан кўтарилишлардан 10 сония ўтгач, тикланиш даври 1 дақиқада:

максимал 94+15=109, минимал 62+10 мм.смм. устуни ҳисобида, икки дақиқада тегишлича 94+10 ва 94+5 мм.смм. устуни ҳисобида ва 3 дақиқа ичида нормал кўрсаткичларгача тикланса, биз бу болани жисмонан яхши ривожланган ва спорт билан фаол шуғуллана олади, дея оламиз.

2.9-жадвал

Болалар ва ўсмирлар (10-15 ёш) учун юрак қисқаришлари сони ва артериал босим кўрсаткичлари бўйича спорт машғулотида жисмоний ривожланишга баҳо беришдаги функционал синамалар ва кўрсатмалар

Функционал синамалар	Пульс соҳибашиг максимал ўсиши		Пульс соҳибашиг тикланиш вақти	Максимал арт. босим АБ ўсиш бориши, смм.		АБ тикланиш вақти (сек.)	Минимал АБ ўсиш бориши, смм. уст ҳисобида мм.		АБ тикланиш вақти (сек.)
	Тикланиш даври. 1-дақ. да 30 сек. ичида	Тикланиш даври. 2-дақ. да 30 сек. ичида		Тикланиш даври 1 дақ. да	Тикланиш даври 2 дақ. да		Тикланиш даври 1 дақ. да	Тикланиш даври 2 дақ. да	
10 сек. ичида қўл кафтга таралиб олддан 10 марта кўтарилади	6-8	2-3	2-3	10-20	5-10	3	-10-+10	-5-+5	3
Ўта тез сурулатда 10 сек. югуриш	9-11	3-4	2-3	10-20	10-15	3	-10+10	-5-+5	3
1-1,5 дақиқада 180 қадам югуриш	8-20	3-4	2-3	20-30	10-20	5	-20-+20	-15-+15	5

Эслатма: боланинг кафтга таяниб полдан кўтарилиши ва югуришигача ЮҚС ва АБ дастлабки кўрсаткич ҳисобланади. Масалан, 12 ёшдаги болада нормада ЮҚС дақиқада 74 марта уради, 10 сек. ичида полдан 10 марта кўтарилишидан кейин 1 дақиқада ЮҚС

74+8=82 марта уришни, 2 дақиқада 74+3=77 ва 3 дақиқа охирида дастлабки даражани, яъни 74 уришни ташкил қилади; АБ нормада сим.устуни ҳисобида 104/68 мм. Полдан кўтарилишдан 10 сек. ўтгач, тикланиш даври 1 дақ.да: максимал -104+15=119, минимал

68+10 мм.смм. устуни ҳисобида. 2 дақиқада тегишлича 104+10 ва 68+5 мм.смм. устуни ҳисобида, 3 дақиқа ичида нормал кўрсаткичларгача тикланади. Бу бола жисмонан яхши ривожланган ва спорт билан фаол шуғулланиши мумкин, дея оламиз.

2.10-жадвал

Болалар ва ўсмирлар (16-18 ёш) учун юрак қисқаришлари частотаси ва артериал босим кўрсаткичлари бўйича спорт машғулотида жисмоний ривожланишга баҳо беришдаги функционал синамалар ва кўрсатмалар

Функционал синамалар	Пульс соҳибашиг максимал ўсиши		Пульс соҳибашиг тикланиш вақти	Максимал арт. босим АБ ўсиш бориши, смм.		АБ тикланиш вақти (сек.)	Минимал АБ ўсиш бориши, смм. уст ҳисобида мм.		АБ тикланиш вақти (сек.)
	Тикланиш даври. 1-дақ. да 30 сек. ичида	Тикланиш даври. 2-дақ. да		Тикланиш даври 1 дақ. да	Тикланиш даври 2 дақ. да		Тикланиш даври 1 дақ. да	Тикланиш даври 2 дақ. да	
10 сек. ичида қўл кафтга таралиб олддан 10 марта кўтарилади	6-8	2-3	2-3	10-20	5-10	3	-10-+10	-5-+5	3
Ўта тез сурулатда 10 сек. югуриш	9-11	3-4	2-3	10-20	10-15	3	-10+10	-5-+5	3
1-1,5 дақиқада 180 қадам югуриш	8-20	3-4	2-3	20-30	10-20	5	-20-+20	-15-+15	5

Эслатма: боланинг кафтга таяниб полдан кўтарилиши ва югуришигача ЮҚС ва АБ дастлабки кўрсаткич ҳисобланади. Масалан, 16 ёшдаги болада нормада ЮҚС дақиқасига 70 марта, 10 сония ичида қўл кафтга таралиб, полдан 10 марта кўтарилишидан кейин ЮҚС 1

дақ.да 70+8=78 марта уришни, 2 дақиқада 70+3=73 мартани ташкил қилса, 3 дақиқа охирида дастлабки даражани, яъни 70 марта уришни ташкил қилади; АБ нормада 112/74 мм.смм. устуни ҳисобида тикланиш даврининг 10 секунд ичида кўтарилишларидан сўнг, 1 дақиқада

максимал 112+15=127, минимал 74+10мм.смм. устуни ҳисобида, 2 дақиқада тегишлича 112+10 ва 74+5 мм.смм. устуни ҳисобида ва 3 дақиқада нормал кўрсаткичларгача тикланса, биз бу бола жисмонан яхши ривожланган ва спорт билан фаол шуғуллана олади, дея оламиз.

Спорт кўпқиррали жамоавий ҳодиса бўлиб, инсонни меҳнат қилиш ва фаолиятнинг бошқа турларига тайёрлайдиган, жамиятнинг маънавий сўровларини қониқтирадиган, байналмилал алоқаларни мустаҳкамловчи ва кенгайтирувчи соҳа, шунингдек ахлоқий ва эстетик тарбиянинг энг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Жамоавий ривожланишнинг маҳсулоти сифатида у жамият маданиятининг органик қисмини ташкил қилади ва муайян ижтимоий шароитларга боғлиқ ҳолда турли қирра ва шакллarga эга бўлади.

Спорт учун ўзига хос бўлган (специфик) хусусият, мусобақалаш ш фаолияти орқали, кўзлаган мақсад – инсонни жисмонан такомилга етказиш ҳисобланади, албатта у беллашувсиз мавжуд бўла олмайди. Мусобақалаш фаолияти, расмий мусобақалар шароитида, юқори спорт натижаларини қўлга киритишдек кўрсатмалар орқали амалга оширилади.

Бироқ спортни фақатгина мусобақали фаолият турига киритиш мумкин эмас, унинг янада чуқурроқ маъноси ҳам бор. Бу унинг ижтимоий моҳияти ва бизнинг жамиятдаги спортнинг аҳамияти билан изоҳланади.

Бутун жаҳонда спортнинг ривожланиши спортнинг кўплаб алоҳида турлари юзага келиши ва кенг тарқалишига замин яратди, ҳозирги кунда уларнинг сони 200 дан зиёдни ташкил этади. Улардан ҳар бири ўзининг мусобақалаш ш предмети, ҳаракатларнинг алоҳида таркиби, спорт курашини олиб бориш усуллари ва мусобақа қоидалари билан тавсифланади. Спортнинг энг кенг тарқалган турлари қишки ва ёзги Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган.

Жаҳонда кенг тарқалган спортнинг барча турларини, мусобақалар предметининг хусусиятлари ва ҳаракатли фаолигининг ҳаракатига қараб олти гуруҳга бўлиб таснифлаш мумкин.

1-гуруҳ – спортчиларнинг чегараланган даражада жисмоний ва руҳий сифатларини намоён қиладиган спортнинг фаол ҳаракатли турлари. Мазкур спорт турларида эришиладиган ютуқлар спортчининг шахсий ҳаракатли имкониятларига боғлиқ бўлади. Мазкур гуруҳга спортнинг кўплаб турлари кирди.

2-гуруҳ – махсус ҳаракатланувчи техник воситаларни бошқариш (автомобиль, мотоцикл, яхта, самолёт ва бошқалар) билан боғлиқ амалиётли асосга эга бўлган спорт турлари. Ушбу турлардаги спорт натижалари, асосан техник воситаларни самарали бошқара олиш маҳорати ва уларни сифатли тайёрлаш малакаси билан изоҳланади.

3-гуруҳ – бу гуруҳдаги спорт турларидан ҳаракатли фаоллик,

махсус қуролдан (ўқ отиш, дартс) нишонни мўлжалга олиш шарт билан қатъий лимитлаштирилган.

4-гуруҳ – бу гуруҳдаги спорт турларида моделли-конструктирлаш фаолияти бўйича спортчи эришган натижалар (авиамоделлар ва бошқалар) таққослаб кўрилади.

5-гуруҳ – асосий мазмуни мавҳумий-мантиқий характерга эга бўлган мусобақалар орқали, рақибни ютишга асосланган спорт турлари (шахмат, шашка, бридж ва бошқалар) кирди.

6-гуруҳ – спорт турларидан тузилган кўп курашлар (спортча йўналиш олиш, тулки ови, биатлон, денгиз ва хизмат кўп курашлари ва бошқалар).

Спортчиларни тайёрлаш тизими ўз ичига тўртта йирик блокни қамраб олади:

- саралаш тизими ва спортча йўналишни олиш;
- спорт машқлари;
- мусобақалар тизими;
- машқлар ва мусобақалардан ташқаридаги машқий-мусобақавий жараённинг мақбуллашган омиллари.

Спортчининг асосий тайёргарлик кўриш-машқли фаолияти спорт машқлари шароитида амалга оширилади. У спортчини тайёрлашнинг асосий шакли ҳисобланиб, у машқлар тизими асосига қурилган ва спортчининг спортга доир такомиллашувини бошқаришга йўналтирилган, унинг юқори натижаларга эришишга тайёрлигини таъминлаб берадиган, ўзига хос ихтисослашган педагогик жараён сифатида намоён бўлади.

Спортчини тайёрлаш тизимидаги энг муҳим таркибий қисмлардан бири, кўзланган мақсад, восита ва спортчиларни тайёрлаш услуби сифатида кўзга ташланадиган мусобақалар ҳисобланади. Мусобақалар махсус соҳа сифатида ифодаланган бўлиб, уларда спортчининг фаолияти амалга оширилади ва унинг алоҳида қобилиятларини объектив равишда таққослаб кўришга имкон берадиган ва уларни максимал даражада намоён этишни таъминловчи таркибий қисм ҳисобланади.

Мусобақаларда иштирок этиш учун энг юқори тайёргарликка эришиш ва юқори спорт натижаларини қўлга киритиш, бутун тайёргарлик тизимини замонавий илмий шароитлар билан таъминлаш мавжуд бўлган ҳоллардагина мумкин бўлади. "Спорт мактаби" деган тушунча ҳам ана шундан келиб чиққан ва у орқали биз спортчиларни янги илмий маълумотлар ва етакчи спорт амалиётлари асосида юзага келган спортчиларни тайёрлаш тизимини тушунамиз.

Дилором АХМЕДОВА,
Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори, профессор.
(Давоми бор).

Научные изыскания

С ОРИЕНТИРОМ НА УКРЕПЛЕНИЕ
РЕПРОДУКТИВНОГО ЗДОРОВЬЯ

